

*«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
Ягона акциядорнинг қарорига
2-илова*

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ
Ягона акциядорнинг
27 февраль 2020 йилдаги АС-01/2020 сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

янги тахрирда

I. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ

1. «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги мазкур Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади), шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли ва 20.04.2018 йилдаги 15-сонли мажлис баёнлари билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари ва «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом Банк акциядорларнинг умумий йиғилишининг мақоми ва ваколатларини, шунингдек, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш ва унда қарорлар қабул қилиш тартибини белгилаб беради.

3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг олий бошқарув органи ҳисобланади, Банк фаолиятининг асосий масалалари бўйича қарорлар қабул қилади ва акциядорларни Банкни бошқаришда иштирок этишининг асосий усули ҳисобланади.

4. Банк ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Банк Кузатув кенгаши / акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиртиришга ҳақли шахслар томонидан белгиланади.

6. Агар Банкнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, жамиятнинг имтиёзли акциялари Қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

II. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ВАКОЛАТИ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш, Банк Кузатув кенгаши тарафидан Банк устав капиталининг оширилиши ва эълон қилинган акциялар сонини камйтирилиши билан боғлиқ Банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бундан мустасно;

2) Банкни қайта ташкил этиш;

3) Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Банк Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

5) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Банкнинг устав капиталини камайтириш;

7) ўз акцияларини олиш;

8) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

9) Бошқарув раисини ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.

Бунда Банк Бошқарув аъзоси (шу жумладан Бошқарув раиси) билан тузилган шартнома қуйидаги асосларга кўра Банк Кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари тугатилиши (бекор қилиниши) мумкин:

- Банк Бошқарув аъзоси томонидан берилган аризага асосан;

- Банк Бошқарув аъзоси Банк уставини қўпол тарзда бузган тақдирда;

- Банк Бошқарув аъзоси ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкга зарар етказилган бўлса;

- Банк Бошқарув аъзоси билан тузилган шартнома шартларини бузган тақдирда.

10) Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, Банк Кузатув кенгашининг тавсияси билан Тафтиш комиссияси аъзоларига тайинланадиган мукофот ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

11) Банкнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб

чиққан ҳолда Банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

12) Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

13) Банк Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

14) мажбурий аудит текширув ўтказиш учун аудит ташкилотни аниқлаш, унинг хизматлари учун энг юқори тўлов миқдорини белгилаш, у билан шартнома тузиш (бекор қилиш) бўйича қарор қабул қилиш;

15) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

16) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

17) Банк бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

18) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Банк томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

19) Банкнинг жорий молявий фаолиятига алоқадор битимларни белгилаш;

20) хайрия (ҳомийлик ва беминнат) ёрдамнинг юқори миқдорини белгилаш;

21) мустақил профессионал ташкилотлар – консултантларни жалб қилган ҳолда бизнес жараёнлари ва лойиҳаларининг Банкни ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги тўғрисида ҳар йилги таҳлилни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

22) Банк ривожланиш стратегиясига етиш бўйича қабул қилинаётган чоралар тўғрисида ижро органи ва Кузатув кенгашнинг ҳисоботларини мунтазам тинглаш;

23) қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувига берилиши мумкин эмас.

9. Мазкур Низомнинг 7 банднинг 1-3, 5, 12, 17 ва 18 кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган, овоз берувчи акция эгалари ҳисобланган акциядорлар овозларининг тўртдан уч қисм кўпчилиги билан қабул қилинади.

10. Бошқа масалалар бўйича қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан унда иштирок этаётган, овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Банкнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Банк акциялари Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 22 моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришга, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга ҳақли эмас.

12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Акциядор ёк уни вакилининг ёзма талаби бўйича Банк унга овоз бериш бюллетенининг тўлдирилган нусхасини тақдим этиши шарт. Бу ҳолда Банк ушбу ҳужжатни тақдим этгани учун бюллетен нусхасини тайёрлаш харажатларини ва ҳужжатларни почта орқали юборилиши билан боғлиқ харажатларидан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳақ талаб қилишга ҳақли.

13. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

14. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида Банкнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

15. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан 13 бандда кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

16. Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан, жумладан, видеоконференцалоқа воситасида иштирок этиш имконига эга бўлмаган акциядор, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача 1 иш кунидан кечиктирмасдан Банк электрон манзилига ўзи тўлдирган ва унинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бюллетеннинг электрон

нухасини юборишга ҳақли. Бу ҳолда акциядор, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишидан аввал уч ишчи кунидан кечиктирмасдан Банка электрон-рақамли имзо воситасида овоз беришга ёзма сўров юбориши лозим.

Видеоконференцалоқа воситасида акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядор, акциядорларнинг умумий йиғилиши яқунлангандан сўнг 1 иш кунидан кечиктирмасдан ўзи тўлдирган ва унинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бюллетеннинг электрон нухасини Банк электрон манзилига юбориши лозим.

Банк бюллетеннинг электрон нухасидан фойдаланиши учун акциядор аввалдан қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ электрон рақамли имзоси ҳақиқийлигини қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ текширилиши имкониятини таъминлаши лозим, акс ҳолда, шунингдек, бюллетенни топшириш муддатлари бузилганда бундай бюллетенлар бўйича овозлар ҳисобга олинмайди.

17. Банк акциядорлари, жумладан, миноритар акциядорлар, овоз беришда биргаликдаги позицияни шакллантириш учун акциядорлик келишувини тузишга ҳақлидирлар.

18. Акциядорлик келишуви деб акциялар билан тасдиқланган ҳуқуқларни амалга ошириш ва (ёки) акцияларга бўлган шундай ҳуқуқларни амалга оширишнинг хусусиятлари тўғрисидаги шартнома тан олинади.

Акциядорлик келишуви унинг тарафлари акциялар билан тасдиқланган ҳуқуқларни муайян тарзда амалга ошириш ва (ёки) шундай ҳуқуқларни амалга оширишда бетараф қолиш (воз кечиш) мажбуриятини зиммасига оладилар.

19. Акциядорлик келишувини тузиш, бекор қилиш ва унинг шартларига риоя қилиш тартиби, шунингдек, бундай келишув бўйича тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

III. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ ВА ТАРТИБИ

20. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш кунидан олдин шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

21. Банк акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

22. Банк акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиш ва кўшимчалар фақат мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганда ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тuzатилганда қонунчиликда белгиланган тартибда киритилишига йўл қўйилади.

23. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

24. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Банк акциядорларининг реестрига киритилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакилари, Банк аудиторлари, Кузатув кенгаш, Бошқарув ва Тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиртириш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган шахслар ҳақлидир.

25. Кузатув кенгаш, Тафтиш комиссияси аъзолигига ва Банк Бошқаруви раиси ва аъзолари лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиганда акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишлари мумкин.

26. Умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган жой ва вақтда рўйхатдан ўтишлари лозим.

27. Акциядорнинг, жумладан, акциядорлик келишувини тузган акциядорларнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ишончнома асосида ҳаракат қилади ва акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича акциядор(лар)нинг ў(лар)зи билан келишган ҳолда қатнашади ва овоз беради. Бунда кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини акциядорнинг ўзи билан келишиш акциядорнинг вакили томонидан уларга қулай ихтиёрий шаклда амалга оширилади. Акциядор ва унинг вакили ўртасидаги муносабат, шу жумладан акциядорлар йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини келишиш, Банкнинг иштирокисиз ва қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

28. Овоз бериш учун ишончномада ваколат берувчи ва вакил тўғрисида маълумотлар (исми ёки номи, истиқомат жойи ёки жойлашган жойи, паспорт маълумотлари) келтирилиши лозим.

29. Умумий йиғилишда иштирок этиш учун келган акциядорлар – жисмоний шахслар паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи ўзга ҳужжат, вакил эса шунингдек, нотариал тасдиқланган ишончнома тақдим этилганда рўйхатга олинади.

30. Банк акциядори бўлган юридик шахснинг вакили – шу юридик шахснинг раҳбари умумий йиғилишда ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш

тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ва шахс тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

31. Банк акциядори бўлган юридик шахснинг вакили, башарти у шу юридик шахснинг раҳбари ҳисобланмаса, ташкилот раҳбарининг ёки ўзга ваколатли вакилининг имзоси билан тасдиқланган ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан шаҳодатланган, унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлса акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши мумкин.

32. Агар Банкнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

33. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрига мувофиқ, мазкур Низомга 1-иловада келтирилган шакл бўйича қайд рўйхати тузилади. Қайд рўйхати рақамланган, тикилган ва Банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

34. Умумий йиғилишни ўтказишда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд рўйхатида имзо чекадилар ва ҳар бир акциядорга тегишли ва Банк акциядорлари реестри маълумотлари бўйича аниқланган овоз берувчи акциялар миқдоридан келиб чиқиб, овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини оладилар (бюллетеннинг наъмунавий шакли 2-иловада келтирилади).

35. Агар йиғилиш иштирокчиси бир ёки бир нечта акциядорнинг манфаатларини ифодалаш учун ишончнома тақдим этса, унга ўзи вакиллик қилаётган акциядор(лар) учун бюллетенлар берилади, қайд рўйхатида эса ваколатини топширган ҳар бир акциядорнинг фамилиясini тўғрисида: «_____ (миқдор) овоз берувчи акциялар бўйича 20__ йил «__» _____ даги ___- сонли ишончнома бўйича» ёзув киритилади ва вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

36. Банк ҳар йили, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмасдан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши санаси қонунчиликда белгиланган тартибда Банк Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Одатда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгаши томонидан йиғилиш ўтказишнинг бошқа санаси белгиланмаган тақдирда, 1 июнда ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банкнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, мазкур Низомнинг 7 банднинг 11 ва 12 кичик бандларида назарда тутилган масалалар, шунингдек, Банк бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва қонунчилик ва уставга мувофиқ бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган Банк Бошқаруви ва Кузатув кенгаши ҳисоботлари маъруза кўринишида тақдим этилади ва Банк томонидан ҳисобот йилида эришилган натижаларнинг таҳлилини, Банк олдида қўйилган мақсадларга етишга тўқиллик қилаётган омилларнинг таҳлилини, шунингдек, Банк ривожланишининг тасдиқланган стратегиясига етиш учун кўрилган чора-тадбирларни ҳамда корпоратив бошқарув нормаларига риоя қилишнинг таҳлилини ўз ичига олади.

37. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарликни Банк Кузатув кенгаши, Қонунда назарда тутилган ҳолатларда эса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини чақиртиришга ҳақли шахслар амалга ошириб, қуйидагиларни белгилайдилар:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, жой ва вақт;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби;
- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун Банк акциядорлари реестри шакллантирилган сана;
- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга хабар бериш тартиби;
- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхати;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни.

38. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма бир кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

39. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

40. Банк акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклифлар 1 апрелгача Банкни овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар тарафидан юборилади (3-иловада келтирилган шакл бўйича). Бу ҳолда ушбу акциядорлар Банк Кузатув кенгаши

ва Банк Тафтиш комиссиясига ушбу органларнинг миқдорий таркибидан ортиқ бўлмаган сонда номзодларни таклиф этишлари мумкин. Банк Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни таклиф этишда акциядорлар, Кузатув кенгаш таркибига камида бир нафар мустақил аъзони киритиш тўғрисидаги Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига амал қилишлари лозим.

41. Акциядорлар (акциядор) Банк Кузатув кенгаши ва Банк Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

42. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

43. Банк Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Банк акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

44. Банк Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда мазкур Низомнинг 40-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

45. Акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Банкнинг Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- мазкур Низомнинг 40-бандида белгиланган муддатга акциядор (акциядорлар) томонидан риоя этилмаган бўлса;

- акциядор (акциядорлар) Банкнинг мазкур Низомнинг 40-бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

- таклифда баён этилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

- таклифлар Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

46. Банк Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга)

қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

47. Банк Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

48. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборот ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади (хабарноманинг намунавий шакли 4-иловада келтирилган).

49. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Банкнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

- Банк акциядорларининг реестри шакллантирилдиган сана;

- акциядорларнинг умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

50. Агар Банк акциядорлари реестрида рўйхатга олинган шахс акцияларнинг номинал сақловчиси ҳисобланса, умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома акцияларнинг номинал сақловчисига юборилади. Акцияларнинг номинал сақловчиси қонунчиликда ёки миждо билан тузилган шартномада белгиланган тартиб ва муддатда бу ҳақда ўз миждоларини хабардор қилиши лозим.

51. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Банк Тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Банк Кузатув кенгашининг Банк Бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Банк Кузатув кенгаши ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Банкнинг уставига киритилдиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки

Банкнинг янги тахрирдаги устави, акциядорларнинг умумий йиғилишининг кун тартибига оид Банк Кузатув кенгашининг позицияси ва акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги кенгаш қарорида белгиланган бошқа ахборот, материаллар киради.

52. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

53. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

54. Овоз бериш бюллетенида: Банкнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага «ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

55. Банк Кузатув кенгаши ёки Тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

56. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади (талабноманинг намунавий шакли 5-иловада келтирилган).

57. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарликни Кузатув кенгаш ёки қонунчилик билан белгиланган ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишини чақртираётган шахс мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширади.

58. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кузатув кенгаши тарафидан, Банкнинг Тафтиш комиссияси ёки акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ёзма талаб тақдим этилган санада Банкни овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилаётган акциядор (акциядорлар)нинг ёзма талаби тақдим этилган пайтдан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмасдан чақиртирилади.

59. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиртириш кенгаш ёки Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масаласига боғлиқ бўлса, бундай йиғилишни чақиртириш тўғрисидаги талабда Кузатув кенгаш ёки Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масаласидан ташқари кун тартибига Кузатув кенгашнинг ёки Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиш тўғрисида таклифлар бўлиши лозим.

60. Банк Кузатув кенгаши Банк Тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

61. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

62. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

63. Банкнинг Тафтиш комиссияси ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Банк Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

64. Банк Тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари

умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг беш фоизига эгалик қилмаса;

- кун тартибига киритиш учун тақлиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

- кун тартибига киритиш учун тақлиф этилган масала «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

65. Банк Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

66. Банк Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

67. Банк Кузатув кенгаши ўн кунлик муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Банкнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

VI. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ

68. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Видеоконференцалоқа ва электрон рақамли имзо билан шаҳодатланган бюллетенларни тақдим этиш воситасида акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорлар кворумни ҳисоблашда ҳисобга олинадилар.

69. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишнинг белгиланган вақтида кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

70. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

71. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

72. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

73. Раис, санок комиссияси, котиб умумий йиғилишнинг ишчи органлари ҳисобланади.

74. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолда эса Банк Кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

75. Умумий йиғилиш раиси йиғилиш боришига раҳбарлик қилади, умумий йиғилиш ишчи органларининг ҳатти-ҳаракатларини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг чиқиш вақтини чеклайди, йиғилиш бориши ва овоз бериш мобайнида тушунтиришлар беради, йиғилишда тартиб мавжудлигини назорат қилади.

76. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Банк Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

Бу ҳолда санок комиссиясига амалий кўмак бериш ёки унинг вазифаларини бажариш учун Банк Кузатув кенгаши қарори билан мустақил экспертлар жалб қилиниши мумкин.

77. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Банк Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, Банк бошқаруви раиси ва аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

78. Ўзига юклатилган мажбуриятлар доирасида санок комиссияси йиғилишнинг мустақил ишчи органи ҳисобланиб, унинг миқдорий ва шахсий таркиби Кузатув кенгаши таклифига кўра акциядорлар умумий йиғилиши тарафидан тасдиқланади.

79. Санок комиссияси ваколатининг муддати уни тасдиқлаш тўғрисидаги Банк акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади ва уни акциядорлар умумий кенгаши тарафидан пайтдан бошлаб ҳисобланади.

80. Санок комиссияси таркиби тасдиқланганидан сўнг санок комиссиясининг қарори билан санок комиссияси раиси сайланиб, йиғилишда комиссиянинг мувофиқлаштириш ишини амалга оширади.

81. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик пайтида санок комиссияси Кузатув кенгаши топшириғига кўра қуйидаги вазифаларни бажаради:

- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишга ҳақли акциядорларнинг рўйхатини тузади;

- овоз бериш бюллетенларни ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради, берилган бюллетенларнинг ҳисобини юритади.

82. Акциядорларнинг бурунги умумий йиғилиши томонидан сайланган санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатга олади;

- ишончномаларни ва улар тақдим этадиган ваколатлар ҳисобини юритади;

- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материалларини) беради;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум мавжудлигини аниқлайди.

83. Ўтаётган акциядорларнинг умумий йиғилишида таркиби тасдиқланган санок комиссияси:

- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишда юзага келган саволларни тушунтиради;

- овоз беришга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлайди;

- овозларни ҳисоблайди ва овоз бериш яқунларини чиқаради;

- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;
- овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

84. Овоз бериш якунлари бўйича санок комиссияси шу комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган баённома тузади, шу жумладан, акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумотни ўз ичига олади. Овоз бериш якунлари бўйича санок комиссиясининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилишининг баённомасига тиркалиши лозим. Овоз бериш якунлари овоз бериш ўтказилган акциядорларнинг умумий йиғилишида эълон қилиниб, шунингдек, овоз бериш якунлари тўғрисида ҳисоботни чоп этиш йўли билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан сўнг акциядорлар эътиборига етказилади.

85. Ҳар бир йиғилишда баённома юритилиши учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тарафидан йиғилиш котиби сайланади.

86. Умумий йиғилиш котиби:

- йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда иштирок этишни истаганларни ёзма аризалар бўйича рўйхатини юритади;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмасдан икки нусхада акциядорларнинг умумий йиғилишининг баённомасини тузади.

VIII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

87. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида мазкур Низомга мувофиқ тасдиқланади.

88. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг Раиси умумий йиғилиш котибини, шунингдек, зарурат бўлса, санок комиссиясининг янги тартибини сайлашни таклиф қилади, сўнг йиғилишнинг кун тартиби эълон қилинади.

89. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

90. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилиш ишини бошлаш ва тахминий тугатиш вақтини, чиқишлар ва танаффуслар давомийлигини, кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачиларнинг фамилияси ва лаввозимини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

91. Йиғилиш чоғида юзага келадиган жорий масалаларни умумий йиғилиш раиси яккабошчилик тартибиде, муҳокама этилаётган масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳар бир иштирокчи берилган вақт чегарасида чиқиш қилишга ҳақли, деган асосий тамойилдан келиб чиқиб

ҳал қилади. Бундан ташқари, акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси, акциядорларнинг умумий йиғилишини аудио-видеога ёзиб олинишига ва уни Интернет тармоғига трансляция қилинишига рухсат беришга вкаколатлидир.

92. Кун тартиби масалаларини муҳокамаида иштирок этишни хоҳловчилар муҳокама учун масалани кўрсатган ҳолда умумий йиғилиш котибига ёзма буюртма топширадилар.

93. Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилинганидан сўнг раис акциядорларнинг умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

IX. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ

94. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

95. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби;
- маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари ва умумий йиғилиш тарафидан қабул қилинган қарорлар кўрсатилади.

96. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан сўнг санок комиссияси Банк архивига йиғилиш ҳужжатларини, жумладан, умумий йиғилишнинг рўйхат таркибини, муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш бюллетенларини ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини топширади.

X. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ ҚАРОРЛАРИ БАЖАРИЛИШИ

97. Агар йиғилиш қарорида ўзга тартиб кўрсатилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назоратни Банк Кузатув кенгаши амалга оширади.

98. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари акциядорларга:

- акциядорлар умумий йиғилиши тугашидан сўнг эълон қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси тузилганидан сўнг икки иш куни мобайнида муҳим факт тўғрисидаги хабарда ахборотни ошкор қилиш йўли билан етказилади.

99. Банк акциялари фонд биржаси листингига киритилган тақдирда Банк, шунингдек, фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни чоп этиши шарт.

100. Банк бошқаруви раиси акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилишини ташкил қилади.

101. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари барча, ҳам умумий йиғилишда ҳозир бўлган, ҳам унда бўлмаган акциядорлар томонидан уларга алоқадор ва қонунчиликка зид бўлмаган қисмида бажарилиши мажбурий.

XI. КУЧГА КИРИШИ

102. Мазкур Низом янги таҳрирдаги Банк устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олинган санадан бошлаб кучга киради.